

Илмий фаолият — ёшларга ибрат

"Кексаларни эъзозлаш йили" муносабати билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида профессор Суюн Қораевнинг илмий-ижодий фаолиятига бағишлаб илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Тадбирда географ олимлар, тилшунос ва адабиётшунослар, таржимон ва адиблар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодес-

зия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуман олим фаолиятининг деярли барча жиҳатларини қамраб олгани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

— Бугун қутлуғ 90 ёшни қарши олган Суюн Қораев экология, ахлоқ, ижтимоий онгнинг шаклланиш йўллари, тарбия масалалари, таржима ва таржимашуносликка оид кўплаб рисоалар ёзди, — дейди адабиётшунос олим Ибро-

ҳим Фафуров. — Уларнинг баарида ватанпарварлик, илмпарварлик руҳи барқ уриб турганини кўрамиз.

Тадбирда устознинг илмфанга қўшган ҳиссаси, жумладан, тилшуносликда сўз ва атамаларнинг ўз ўрнида ишлатилиши юзасидан олиб борган тадқиқотлари ҳақида ҳам фикр юритилди.

Олим ва таржимон Суюн Қораевнинг илмий-ижодий фаолияти, ҳаёт йўли ёш авлодга ибрат экани айтилди.

**Содик АБДУЛЛАЕВ,
ЎзДЖТУ талабаси**